

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Бердақ номидаги**

**ҚОРАҚЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кимё-технология факультети**

**Нефть ва газ технологияси кафедраси**

**Жолдасов Жалғас Азатович**

**МАВЗУ:БИР ВА КҮП ҚАТЛАМЛИ КОНЛАРНИ  
ИШЛАТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

**5311900-НГКИТ ва УФ йўналиши бўйича бакалавр даражасини  
олиш учун**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**Кафедра мудири:**

**к.ф.н.Т.Х.Наубеев**

**Битирув иши раҳбари**

**т.и.д. профессор А.Агзамов**

**Нукус–2017**

## **Мундарижа**

Кириш.....	3
1. Қовушқоқли нефтли конларни ишлатиш .	
1.1. Карбонат коллекторлардаги қовушқоқ ва юқори қовушқоқ нефтлар.....	4
2. Бир ва кўп қатламли конларни ишлатишдаги муаммолар ва ечимлар	
2.1. Сурхондарё конларини ишлатиш ҳолатлари.....	19
2.2. Нефт ва сув қазиб чиқариш ҳолати таҳлили.....	21
2.3. Хаудаг конида иссиқ сув билан сиқиши жараёнини ҳисоблаш.....	28
2.4. Жайронхона нефть кони.....	30
2.5. Нефт қудуқларини штангали насослар ёрдамида ишлатиш.....	37
2. 6. Конларда қудуқларни ишлатишдаги муаммоларга қарши чоратадбирлар.....	39
2.7. Қудуқларни тўла тамирлаш ишлари ҳолати .....	44
2.8. Насос турини танлаш орқали қудуқ иш унумдорлигини таъминлаш.....	47
2.9. Чуқурлик штангали насослари цилиндр узунлигини ва узатиш қобилиятини аниқлаш.....	51
2.10. Плунжер юриш узунлигини статик ва динамик назариялар ёрдамида аниқлаш ва уларни таққослаш .....	55
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.	
3.1. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш.....	57
3.2. Ер ости бойликларини муҳофаза қилишни ташкил қилиш.....	58
4. Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.	
4.1. Мехнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари	
4.2. Иш жойларни ташкил қилиш ва операторларнинг физиологик ишга яроқлик қобилиятини ҳисобга олиш	
Хулоса.....	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	64

## **Кириш**

Нефть ва газ қазиб чиқаришнинг ўсишига конларни ишлатиш самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади, бунга эса замонавий технологиялар ва техникаларни қўллаш, мавжуд техника ва қурилмалардан оқилона фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Мавжуд технологияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида битирув малакавий ишини бажаришда “Бир ва кўп қатlamли конларни ишлатишдаги муаммолар ва ечимлар “мавзуси танланган.

**Ишнинг мақсади** мамлакатимизнинг бой табиий ва ишчи кучи захираларидан фан ва техниканинг сўнги ютуқларига таянган ҳолда , юртимиз иқтисодиётини ва халқимизнинг фаровонлигини янада оширишга ва айни пайтда, нефт ва газ конларидан маҳсулот қазиб олиш ва муаммоларни таҳлил қилиб ўрганишдан иборат.

Маълумки конларни ишлатиш жараёнида бир қатор муаммолар юзага келади. Бу муаммолар уюм жойлашган қатlamнинг геологик ва технологик шариотларига қараб ҳал қилинади. Биламиз, Республика худудида кўпчилик конлар ишлашини сўнгги даврларида ишлатилмоқда ва шу даврлар билан боғлиқ айrim муаммоларни хусусан кўп қатlamли ҳисобланган Хаудаг ва бир қатlamли Жайронхона конларини ишлатиш жараёнидаги айrim муаммо ва уларни таҳлилини кўриб чиқамиз.

**Ишнинг долзарблиги** коннинг геологик тузилишидан қатъий назар у бир ёки кўп қатlamли бўлсин , ишлатиш даврида геологик - технологик муаммолар юзага келади бу муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш.

## **1. Қовушқоқли нефтли конларни ишлатиш**

### **1.1. Карбонат коллекторлардаги қовушқоқ ва юқори қовушқоқ нефтлар**

Нефт саноатининг ривожланиши янги конларни очиш ва эски конларда қазиб олиш суръатларини кучайтириш ишлари билан тавсифланади. Илмий ҳодимлардан ва ишлаб чиқариш мутахассисларидан мураккаб тузилмаси нефт ва газ уюмларини қовушқоқ ва юқори қовушқоқли карбонат коллекторларини ишлатиш муаммоси ва унинг ечимини топиш масалалари туради. Бундай уюмларни тузилиш геологик- физик спецификаси ҳамда уларни бундай флюидлар билан тўйинганлик хоссалари қазиб олишни қийинлаштиради. Кўп ва бир қатламли уюмлар, Республикаиз самарали худудларидан ҳисобланган Сурхандарё худуди ва Бухоро-Хива худудларида мавжуд. Ишни бажаришда эса юқорида айтиб ўтилганидек Сурхандарё ўлкасида жойлашган юқори қовушқоқли нефт уюмларини ишлатишдаги муаммоларга , жумладан қудукларда юзага келадиган муаммо ва уларни бартарафлашга тўхталиб ўтамиз. Жаҳон миқёсида бундай конларни ишлатиш усуллари шуни кўрсатадики, охирги нефт қазиб олиш кўрсаткичи 0,25-0,27 дан ошмаган. Карбонат коллекторлари сизилиш-ҳажмий тизими мураккаб тузилиш билан тавсифланиб унинг таркибидаги флюидлар ва жинс-коллектор сиртлари ўзаро боғланган специфик хусусиятга эга. Ёриқли турдаги карбонат коллекторлари учун хоссалар қўйидагича:

- ўтказувчанликни абсолют қиймати унча катта эмас:
- ёриқларни сифимдорлиги паст бўлиб, 2-3 % дан ошмайди:
- коваклар ўсиши ҳисобига ғовакликни ўсиши:
- ёриқларда ва бекитилган ковакларда боғланган сувни мавжуд эмаслиги:

Карбонат коллекторларини ғовакли-ёриқларда нефт ва газ сизилиш-ҳажмийлик тизимида (СҲТ) эга бўлиб ғоваклик каналларини шакллантиради, ёриқли тизим эгилиш аҳамиятига эга бўлади. Ёриқли-ғовакли карбонат-

коллекторларида тескари ҳолат мавжуд бўлиб, унга бўйсунадиган қийматлашғоваклик каналларидан тузилган.

Мураккаб тузилган карбонат коллекторларининг бир участкадаги ўюмида горизонтал йўналишда нефт ва газни сизилиши учун мақбул бўлган шароит мавжуд бўлади, ва бошқа участкаларда-тиқ йўналиш, учинчи бошқа участкасида – “тартибсиз” йўналишдаги сизилиш мавжуд бўлади. Карбонат жинслари узун-узун тузилиши билан фарқ қиласи, шунинг учун ўюмнинг гидродинамик тури бузилади. Карбонат жинсларини қалин массада кучли зичланмали ҳолда қайта қатламлашиб, амалда умуман сизилиш содир бўлмайди, қайсики унда тик ўтказувчанлик бўлмайди. Бундай ҳолда тузилмалар олинадиган захираларни ҳисоблашни ва ишлатишни технологик кўрсаткичларини кузатишни қийинлаштиради. Кам ўтказувчан карбонат коллекторларидаги горизонтал тик ёриқларни мавжудлиги капилляр шимилишни механизмида амалий рол ўйнайди.

Бундай турдаги карбонат коллекторларида капилляр шимилиш ва “гидродинамик” сизилиш механизми ҳисобланади.

Катта ёрикли ва тик ёриқлар мавжуд ҳолда гравитация кучлари муҳим рол ўйнайди. Карбонат коллекторларидаги нефт ва газ ўюмларини қазиб олиш технологиясини танлашда конни бошланғич ва жорий материалларини тадқиқ қилишдан ташқари қудук ва қатламларни гидравлик тадқиқот қилиш усули муҳим ўрин эгаллайди.

Карбонат коллекторларидаги нефт ва газ ҳамма геологик-физик кўрсаткичлари бўйича терриген коллекторларидан қолишмайди.

Карбонат коллекторларини маҳсулдор қатламларини тузилиши табиий ҳар хиллик қатlam босимини ва сўнгги нефт олувчанликни ошириш жорий усулларини қўллаш имкониятини чегаралайди.

Юқорида кўрсатилган турдаги коллекторларда, кам қовушқоқлик нефтга тўйинган конлардаги қатlam босимини ушлаб туриш ва охирги нефт олувчанликни оширишда контур ичига сув бостириш усулини қўллаш мумкин.

Карбонат коллекторли нефт конларини ишлатиш тажриба маълумотлари кўрсатадики, бундай конларга контур ичига ва майдонга сув бостириш усулинни қўллаш кам самарадорликка эга эканлигини кўрсатди.

Карбонат коллекторли конларда юқори қовушқоқ ва қовушқоқ нефт (30 МПа ва ундан катта) таркибига эга бўлса, бунда охирги нефт бера олишни ошириш мақсадида махсус комбинацияли таъсир этиш усулларини (полимер, термик ва бошқалар) қўллаш талаб этилади.

Карбонат коллекторли нефт конларини ишлатишни умумлашган тажрибалари қўйидагиларни кўрсатади:

1. Маҳсулдор қатламнинг бир-биридан ҳар хилчилиги ва аниқ ҳар хил жинсларини ўзгариш тавсифи қонуниятини мавжуд эмаслиги, яъни қалинлиги ва нефт уюмини ёйилганлиги ҳамда бу параметрларни ўзгариш усуллари ҳақидаги информаяцияларни етишмаслиги уюмни сизилиш-ҳажмийлик параметрларини аниқлашни мураккаблаштиради.

2. Маҳсулдор қатламни параметрларини аниқлашни етарли даражада ишончсизлиги ва аниқ эмаслигини;

3. Қазиб олинадиган маҳсулотни сувланганлик динамикаси, нефтни олиш кўрсаткичи, техник-иктисодий кўрсаткичлар ва бошқа табиий юқори бўлмаган сифати ва геологик кон маълумотларини етарли эмаслигини;

4. Ғовакли турдаги кам қовушқоқли нефт уюмларини ишлатишда контур ичига сув бостириш усулинни қуллаб ижобий натижага эришилади.

5. Ҳамма турдаги бир хил кўрсатилган СХХ терриген ва карбонат коллекторли нефт конларини ишлатишда (нефт қазиб олиш кўрсаткичини, нефт қазиб олишни лойиҳавий сатҳда ушлаб туриш, тўпланган нефт олишда нефт олиш коэффициентини кўтаришда) сув бостириш усулинни қазиб олиш ва ҳайдаш қудуқлари турини қалин жойлаштирилганда қўллаш терриген коллекторларга ёмон таъсир қиласи.

Мураккаб тузилишга эга бўлган конларда жуда қийин қазиб олинадиган нефт уюмларида мураккаб ҳолатларда бу усулни қўллаш мумкин.

Мураккаб тузилишга эга бўлган коллекторларга ҳар хил жинсли ёриқли-ғовакли оҳактош ва доломитлар, кучли лойли қумоқтошлар, кам ўтказувчи алевромийлар мансубдир.

Геологик-физик омиллар нефтнинг яхши бўлмаган хоссалари қатламларида кучли ва жуда юқори қовушқоқлиги таркибидаги асфальт-смолали ва парафин компонентлари, олтингугурт,  $H_2S$  ва бошқа элементларда мураккаблаштирувчилар ҳисобланади.

Бундай конларда қатлам ҳарорати юқори бўлганда янги парафинни ўтириш ҳароратига яхши бўлганда ишлатиш технологияси мураккаблашади. Қийинлаштирувчи омилларга қўйидагилар киради: коллекторларни турли геологик шароитлардан ва турли тоғ жинсларидан, маҳсулдор қатламни кўп қатламлилиги, кенг сувли сузувчи зонасининг мавжудлиги, газ дўпписи, нефтни таркибида газни миқдорини камлиги ва бошқалар.

Жумладан Ховдак нефт кони Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани худудида жойлашган. Кон Термиз шаҳридан 55 км шимолий-ғарбда ва Жарқўрғон шаҳридан 18 км шимолий-ғарбда жойлашган. Коннинг Жарқўрғон, Термиз шаҳарлари билан транспорт алоқаси Сурхон вохаси маркази бўйлаб ўтган автомобил ва темир йўллари орқали амалга оширилади.

Кондан 18 км жанубий-шарқда Жарқўрғон нефт тўплаш резервуар парки ва нефт қўйиш эстакадаси қурилган бўлиб, Термиз-Душанба темир йўли орқали истеъмолчиларга юкланди. Туман иқлими-континентал, иссиқ узоқ муддатли ёзда ўртacha ҳарорат  $+45^0C$  дан  $+50^0C$  июл-август ойларида, қиши ойларида ҳарорат  $+5^0C$  дан  $-10^0C$  гача.

Орографик жихатдан мазкур кон меридионал йўналишдаги баланд бўлмаган тепаликлардан ташкил топган. Энг баланд тепалик нуқтаси +503 м га етади.

1931 йилда Ховдак майдонида геологик тасвирилаш ёрдамида кон кўтарилима тузилиши Н.П.Туаев томонидан аниқланди. 1932 йилда унинг тавсиясига асосан кон гумбаз қисмидан қидирав қудуғи бурғилаш

мўлжалланди. 1-қидирув кудуғи коннинг жанубий кўтарилмасининг жанубий қисмида жойлашганлиги ва 1934 йилнинг феврал ойида бурғилаш вақтида чуқурлик 158 м га борганда палеоген даврининг бухоро қатлами I-горизонтидан нефт фавора бўлиб, кунлик 140 тонна нефт қазиб чиқарилди.

Кон 1935 йилда ишга туширилган бўлиб 4 та маҳсулдор (I-, II-, III-, IV-горизонтлар) қатламдан иборат. Ҳозирги вақтда кон охирги босқичда ишлатиласпти. Маҳсулдор қатламларнинг чуқурлиги 110-200 м ни ташкил қиласди.

Какайди нефт кони Сурхондарё вилояти Жарқўғон тумани худудида жойлашган. Кон Жарқўғон шаҳридан 20 км шимолий-шарқда жойлашган. Кон 1935 йилда ишга туширилган бўлиб 3 та маҳсулдор қатламдан иборат. Ҳозирги вақтда кон охирги босқичда ишлатилмоқда. Маҳсулдор қатламларнинг чуқурлиги 1200-1300 м ни ташкил қиласди. Маҳсулдор қатламлар палеоген даври бухоро қатламининг I-II-III-горизонтларидан иборат.

Какайди, Амударё конларида маҳсулдор қатlam мураккаб “қатламлашган пирог” каби бўлиб қатламлар навбатлашиб жойлашган бўлиб, бир-бири билан зичламали ўтказмайдиган қатлам билан ажратилган, газ дўпписи ва қатлам тагида сув мавжуддир. Малакавий ишнинг асосий мақсади бўлган қўп ва бир ватламли конлардаги муаммаларга кейинги қисмда алоҳида тўхталиб ўтамиз . Бу келтирилган маълумотларнинг келтирилиши , қовушқоқли конларни ишлатиш ва улардан нефтни қазиб олиш бўйича маълумотларни умумлаштириш ва ўрганишдан иборат.

Юқорида келтирилган маҳсулдор қатлам жинсларини коллекторлик тузилиши нефтни қийин қазиб олиш хоссаси билан тўлдириб, тўйинган нефтни кўтарилиган (10-30 МПа.с) ва юқори (30 МПа.с-дан катта) қовушқоқлиги, олtingугурт таркиби, парафин смола асфальтен компонентлар ва бошқа хоссаларини таъсири натижасида қазиб олиш технологияси мураккаблашиб кетади.

Бундай шароитда анъанавий усулларни қўллаш ва ишлатиш усуллар нефт қазиб олиш кўрсаткичидан, эриши мумкин бўлган нефт олувчанлик коэффициентига эришиш мумкин.

Қудуқлар тўри зичлаштирилганда унча катта бўлмаган самарадорликка эришилади. Тажриба амалиёти маълумотларига асосланиб, қатlam босимини ушлаб туришда нефт қазиб олишни жадаллаштиришда ва нефт олишни кучайтиришда нефт ва нефт таги қисмида сув ҳайдаш нефт қисмiga газ ва ҳаво ҳайдаш ва бошқа усуллар қўлланилганда кутилган натижалар бермади. Ҳайдалган суюқлик тезда нефт олинган энг яхши ўтказувчан участкаларга ёриб киради, қазиб олувчи қудуқларга кириб боради. Бундай ҳолатда кам ўтказувчан нефт коллектор қисмiga кирмайди ва ишлаш самарадорлиги кам бўлади. Нефт сиқувчанлик механизмига ва нефт олувчанликка қатlamни дренажлаш режимини ҳамма турларида нефтни кучайган ва юқори қовушқоқлиги салбий таъсир қиласди.

Нефт кучайган ва юқори қовушқоқлиги ҳамма шартларидан кўпроқ таъсир қилиб, қудуқ дебити пасайиб кетишига, конни ишлатиш муддатини узайишига ва сўнгги нефт олувчанликка салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб нефт қовушқоқлиги қанчалик юқори бўлса, сувни қазиб олувчи қудуққа ёриб кириши тезроқ содир бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган конларни ишлатиш бўйича йиғилган тажриба натижаларига мувофик, ишчи агент ёрдамида нефтни сиқиб чиқариш жараёни кузатилганда (сув, полимерли эритмалар ва х.к.) самарадорлик кўрсаткичи сиқиб чиқарувчи агентни нефтни қовушқоқлик нисбатларига боғлик.

Бунда нефтни қовушқолиги ва сиқувчи ишчи агентни қовушқоқлиги нисбати қанчалик катта бўлса, нефт қазиб олиш кўрсаткичи ва нефт олувчанлик иқтисодий кўрсаткичи шунча паст бўлади.

Экспериментал маълумотлар кўрсатадики, факт қовушқоқлик нисбати эмас, балки сиқилувчан ва сиқувчан суюқликларни қовушқоқлигини абсолют хужжатларига ҳам боғлик. Нефт конларини ишлатишда жуда катта

қийинчиликларни, нефтни таркибida водород сульфидини мавжудлиги, катта сув сузувчи зонанинг мавжудлиги, газ дўпписи, маҳсулдор қатlam таркибida лойли материалларни мавжудлиги, аномал юқори босим ва ҳакоза хоссалар ҳам келтириб чиқаради.

Ҳар хил жинсли карбонатли ёриқли-ковакли қатlam шароитида нефт қовушқоқлиги ёки нефтни юқори қовушқоқлигига “қовушқоқлик” номустаҳкамлигини ҳисобга олиш кераклиги, қатlam ҳар хил жинслилиги нефт қазиб олишни кўрсаткичига таъсир этиши эксприментал маълумотлар асосида тасдиқланган. Нефт қийинчилик билан қазиб олинадиган мураккаб геологик тузилишга эга бўлган қатlamларда конни рационал ишлатиш учун бир бутун универсал усуlnи қўллаш қийин. Ҳар қандай нефт уюми изчил ўрганилиб, ҳар бир ҳолат учун алоҳида ишлатиш усуlinи қўллаш керак. Масалан: Конларни ишлатишдаги кўп шаклли мураккаблаштирувчи омиллар концентрация (тўпланганда) қилинганда Удмуртия конларида 50 % нефт конларидан қазиб олиш қийинчилик туғдирган. Удмуртиядаги кўпгина нефт конлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, маҳсулдор қатlam шароити мураккаб физик-геологик тузилишга эгадир. Нефт конларини мураккаблаштирувчи хусусиятларга қуидагилар киради: коллекторни мураккаб ва турлича тармоқланиши, маҳсулдор маҳсулдор қатlam зonasи кўп қатlamлилиги, газ дўпписи мавжудлиги ва сув сузадиган зонанинг катталиги, газ таркибини пастлиги, нефтни таркибida асфальт - смола, парафин бирикмаларини миқдорини кўплиги, карбонат коллекторлигига эга эканлиги, нефт кўтарилган ва юқори (180 МПа.с) қовушқоқлиги. Таркибida асфальт - смола, парафин бирикмалари бор бўллган бундай конларни ишлатиш учун янги усуллардан, янги қудуқлар тўрини (500x500, 600x600) кичрайтириш усулларидан фойдаланилган.

Ишлатишни бошланишида бундай карбонат коллекторли мураккаб тузилишга конларни, қовушқоқ ва юқори қовушқоқли нефтга тўйинган конларни ишлатишда сув бостириш ёки табиий режимда ишлатиш нефт олувчанлик коэффициентини пасайиб ва самарадорликни пасайишига олиб

келади. Иссиқ усулларни қўллаш самара бермади, совуқ полимерли ишлов бериш нефт олишликни пасайтириб юборди. Кам ўтказувчан блоклар ва ёриқли-ғовакли карбонат коллекторларидағи қовушқоқ нефт иситишга кам таъсир қилди. Юқори ва қовушқоқли конларни самарали ва тежамкорликда ишлатишида янги қатламни геологик-физик тузилиш спецификаси ва нефтни сифатини ўрганган ҳолда янги технологияларни жорий қилиш кераклиги тақозо қилинди. Удмуртия конларида нефтни қовушқоқлигини пасайтириш, ҳайдаладиган ишчи агенти ва қовушқоқ нефт нисбатларини камайтириш, маҳсулдор қатламни кучли ҳар хиллиги билан курашиш ва ишчи агентни қатламни кўпроқ қисмини эгаллаб (кириб бориши) масаласини ечиш талаб қилинди. Технологик, назарий ва кон тадқиқот ишлари амалга оширилиб, янги технология яратилди, қайсики кон синов шароитида ва саноатда тадбиқ қилинди. Юқори самарали янги технология термик-циклик ва иссиқлик полимерли таъсир этиш усули Удмуртия конлари учун илмий асосланди, ишлаб чиқариш учун яратилди ва тадбиқ қилинди натижалар (1.1-жадвалда ) келтирилади.

1.1-жадвал  
ТПТУ, СПТУ, СТУ усулларини Удмуртия конлари нефт уюмларига  
таъсир этиш тахлили.

№	Кўрсаткичларни номи	ТПТУ участкаси 1413 қуд	СПТУ участкаси 1411 қуд	СТУ участкаси 1417 қуд	ТР участкаси 1424 қуд
1	Майдон участкаси, га	78,5	78,5	78,5	78,5
2	Геологик нефт захираси, млн.т	1,25	1,45	1,24	1,16
3	Қудуқларни сони, дона Қазиб оловчи Хайдовчи	17 1	18 1	18 1	13 0
4	Қудуқ тури, мхм	250x250	250x250	250x250	250x250
5	Нефтга тўйинганлик қалинлиги, м	16,3	18,5	14,5	12,6
6	Бошланғич қатлам босими, МПа	14,5	14,5	14,5	14,5
7	Коллектор тури	КПКТ	КПКТ	КПКТ	КПКТ
8	Ғоваклик, %	0,16	0,16	0,16	0,16

9	Ўтказувчанлик, мкм <sup>2</sup>	0,235	0,235	0,235	0,235
10	Қатлам шароитидаги нефт қовушқоқлиги, МПа*с	78,35	78,35	78,35	78,35

**Изоҳ:** КПКТ – (карбонатный, пористо-кавернозно трешиноватый ).

ТПТУ-термополимерли таъсир этиш усули.

СПТУ-совуқ полимерли таъсир этиш усули.

СТУ-сувли таъсир этиш усули.

ТР-табиий режимда таъсир этиш усули.

Юқорида келтириб ўтган конлар учун тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, 0,02-1% оралиқдаги полиакриламидинг иссиқлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги сув учун мос келадиган коэффициентлардан 17-27 % паст.

Босимни 0,1 МПадан 20 МПа гача кутарганда ПАА ни иссиқлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги унча катта бўлмаган (5 % дан кичик) қийматга ошади. Ҳароратни 20 °C дан 90 °C га оширганда ПАА нинг иссиқлиги ва ҳарорат ўтказувчанлигига юқоридаги концентрацияларда 11-26 % га ошади. ПАА сувли эритмаси юқори молекулали сувнинг эритманинг бирикмаси бўлиб, ПАА ассоциантли молекуласи ва сув молекуласидан тузилган. Эритма таркибидаги ПАА ни ассоцианти сувни молекуласи билан боғланиб, диффузияни секинлаштиради, натижада иссиқлик жараёнини оқиш тезлигини пасайтиради. Ўтказилган ТПУ технологиясини қўллашни комплекс эксприментал тадқиқотларини асосий натижалари қўйидагича келтирилган:

1. Иссиқ полимерли эритма энг самарали нефт сиқувчи ишчи агенти ҳисобланиб, сув қанчалик иссиқ ва совуқ полимерли эритма, қайсики, қатламларни яхлит тузилиши бўйича, шундай қилиб ҳамма турдаги нояхлит қатламларни тузилиши ўрганилган ҳолларда (қатламли-нояхлит, ёриқли, ёриқли-ғовакли) қўллаш мумкинлиги.

2. Полиакриламид эритмасини кон конулнетрацияси (0,05+0,03% қуруқ кукун оғирлиги бўйича) қиздирилганда термик деструкция ҳолати (тузилишини бузилиши) бўлишга бардош беради. Қиздирилган эритмани

иссиқлик таъсирида қовушқоқлиги пасаяди. Эритма 85-90<sup>0</sup>C атрофида қиздирилганда термик деструкция унча катта (10-15% дан ошмайди) эмас ва бундай ҳолатда иссиқ эритма ПАА- ни мураккаб тузилишга эга бўлган қийин олинадиган жуфт уюмда қуллаш мумкин бўлади.

3. Бир хил концентрациядаги ПАА –нинг қовушқоқлиги минераллашган сувда тайёрланганлигига нисбатан дистилланган сувда тайёрланганига нисбати паст бўлади.

4. Бир хил концентрацияли полиакриламид эритмасини минераллашган сувда тайёрланган эритмаси термик деструкцияга кам дучор бўлади чучук сув тайёрланган сувдагига нисбатан. Нефт конларида полимер эритмаларини тайёрлашда у ёки бу даражадаги минерал сувлардан фойдаланилади. Бунда эътиборга молик хавфли термо деструкция камаяди.

5. Сувли эритманинг теплофизик хоссаси (иссиқлик ўтказувчанлик, иссиқ сифимдорлик, температура ўтказувчанлик) полиакриламиднинг концентрацияси (0,02-0,1 % қуруқ кукун оғирлиги бўйича) 20-90<sup>0</sup>C-да ва 0,1-20 МПа босимда “сув эритмасининг” теплофизик хоссаларидан паст. Шундай қилиб қудук устуни бўйича иссиқ аралашма харакатланганда иссиқликни йўқолиши иссиқ сувдан ҳайдашга нисбатан кам бўлади.

Ҳароратни 20<sup>0</sup>C дан 90<sup>0</sup>C гача кўтарганда иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлик бир қанчага кўчаяди, бундай ўзгариш босим 0,1 МПа дан 20 МПа гача кўтарилиганда ўзгариш кичик қиймат даражасида кузатилади. Кўп томонлама ҳар хил тузилишда қатламларни физик моделларида ўтказилган лаборатория тадқиқотлари (яхлит, қотламли, ёриқли, ёриқли-ғовакли, ва бошқалар) сиқувчи ишчи агентлар сифатида ҳар хил турдаги суюқликлардан (совуқ ва қайноқ сувдан, глицерин эритмасидан, полиакриламидни совуқ ва қайноқ эритмасидан ва ҳакозо) фойдаланиб олинган маълумотлар асосида қуйидаги муҳим амалий хулосани қилиш мумкин: мураккаб тузилган қоидалардаги қийин олинадиган нефт уюмларини ишлашда қатламга самарали таъсир этиш сифатида полиакриламиднинг 90<sup>0</sup>C гача қиздирилган қайноқ эритмасидан ишчи агент сифатида қўллаш мумкин.

Маҳсулдор қатламдан ТПУ ни қўллаш нефт олиш механизми қуийдагича: Полиакриламидинг сувли эритмаси 90-95 °C гача қиздирилади, қовушқоқлиги 1,5-2 МПа\*с ва нефтли қатламга ҳайдашга келтирилади. Бу ҳайдалган эритма карбонат коллекторини ёриқлигига ва қатлам чуқурлигига кириб боради.

Шундай қилиб, уюмнинг бир қисми ишчи агентлари билан эгалланади. Нефтни қовушқоқлигини пасайишига олиб келади. Ҳайдалган ишчи агент ёриқлар орқали ҳаракатланиб, полиакриламидинг қайноқ аралашмаси маълум муддатдан кейин совуди (қатламдаги ҳарорат 32 °C гача), самарали қовушқоқлик амалда қўчаяди (10-15 МПа\*с гача).

Қатламнинг умумий гидравлик қаршилиги ўсади. Бунга боғлиқ ҳолда ёриқлардан матрицасига кириб тўпланадиган эритманинг улуси ошади, яъни қатламнинг асосий ҳажмийлик қисмини полиакриламидинг қайноқ эритмаси таъсирида эгалланади.

Нефтнинг қовушқоқлигини пасайиши (ҳаракатчанлигини ошириш) капиллярларга кириб боришини механизми ижобий томонга қараб ўзгаради. Қайноқ ПАА эритмасини ҳайдаш ғоваклик мухитини номланишининг яхши томонга ўзгаради (у кўпроқ гидрофилли бўлади) матрицанинг капиллярларга шимилишига ижобий таъсир этади. Алоҳида қатламда ёриқлар тизими етарли тармоқланган бўлса, ҳайдаладиган қайноқ ПАА эритмасини самараси иссиқ сувни таъсирига нисбатан юқори бўлади. Маълумки иссиқ сув микроёриқлар орқали кириб ишлайди.

ТПУ (теплополимер усул) ютуғи шундаки, ПАА эритмасини чегараланган миқдорда қўллаш, керакли миқдорини қиздириш, “иссиқлик эгаллаши” учун катта миқдордаги иссиқлик ташувчиларини ҳайдаш талаб қилинмайди.

ТПУ ни ўрганилган механизмидан кўринади, ПАА қайнаган эритмаси ёриқлар орқали кириб бориб, ўзининг қовушқоқлигини иссиқ сувга таққослашда тахмиман бир тартибга ошади. Сиқувчи фрондли полимер

эритмасига гидравлик қаршилик сувга нисбатан ошади, қайсики қатламга<sup>2</sup> таъсир этиб эгаллаш коэффициентини ошишига олиб келади.

Назарий ва экспериментал тадқиқотларни ҳамда узоқ саноатга тадбиқ этилган ишларни натижаларидан келиб чиқилса, ТПУ қўлланилганда сўнгти нефт олувчанлик ишланмаган сувни таъсир этишига нисбатан 20-25% юқори эканлигини кўрсатади.

Термополимер таъсир этиш усулини кулланиш шарти ва мезони геологик-физик ва технологикка бўлинади.

ТПУ кулланишини битта бош мезони қатlam шароитидаги нефтни қовушқоқлик катталиги ( $50 \text{ МПа}^* \text{с}$  ва ундан катта) юқори бўлганда қўллаш мақсадга мувофик. Қатlam нефтининг қовушқоқлигини энг юқори чегараси  $500 \text{ МПа}^* \text{с}$  гача чегараланади. Теплополимер таъсир этиш усулини кулланиши ёриқли-ғоваклик коллекторининг матрицасини ўтказувчанлигига боғлиқ. Ўтказувчанлик  $3 \times 10^{-2} \text{ мкм}^2$  кичик бўлганда блокларни капилляр шимилиши кичик бўлганлиги учун бу усул кичик самара беради. Бу усул ёриқли-ғовакли қатlam тизимида юқори самара беради.

ТПТУ учун маҳсулдор қатламнинг жойлашиш чуқурлиги қатlam температурасини катталигига боғлиқ бўлиб чегараланиб, ҳарорат  $70 \text{ } ^\circ\text{C}$  дан юқори бўлмаслиги керак (ҳарорат  $100 \text{ } ^\circ\text{C}$  дан юқори бўлганда капилляр эритмасининг деструкция ҳолати бошланади). Нефт қатламга термополимерларни самарали таъсир этиши ва ишончли натижаларга эришиш учун қатlam остида сув бўлмаслиги керак.

ТПУ ни қудуқлар тизими жойлашуви қаторли бўлганда (контурлигича сув бостириш) ва майдонли тизимда қўлланилган. ТПТУ (теплополимерли таъсир этиш усули) қўлланилганда юқори нефт олувчанлик коэффициенти (ишлатишини бошланиши ёки сўнггида қўлланилишига) вақтинча боғлиқ эмас. Бу усулни қўллаш технологик жиҳатдан яхши натижалар берган. ТПТУ усулини қўллашни мажбурий технологик жиҳати шундаки, эритма қудуқка тўхтовсиз ҳайдалганда ҳисобий суюқлик ҳажмини температурасини ва температура режимини кузатиш талаб қилинади. ТПТ усулини

технологиясида сувли эритмали полимерларни таъсир этиши талаб қилиниб (кўп ҳолатларда) ҳар хил товарларни маркаси ва модификациясидан (кукундан, гранулдан ва ҳакозо) фойдаланилганда уларни миқдори ва иссиқликка чидамлилигини текшириш талаб қилинади.

ТПТ усулида қўлланиладиган полимерлар реологияси бўйича 95-100 °C да ўзининг хоссасини сақланиши талаб қилинади. ТПТ усулни муваффақиятли амалга оширилиши полимер эритмасини тайёрлаш сифатига боғлик..

Қатламга кириб борадиган полимер эритмасини таркибида қаттиқ ёки гел шаклли заррачалар бўлмаслиги керак. Полимерли эритма ҳайдалганда жадал механик деструкция дучор бўлмаслиги керак. Шунинг учун марказдан қочма насосларни ўрнига полиенли насослардан фойдаланиш керак. Полимер эритмасининг қудук туви зонасига етиб боргунча иссиқликни йўқотиши минимал бўлиши керак.

Шунинг учун қайноқ полимер эритма ҳайдаладиган қувур узатма супер юпқа базалтли тола билан ташқи томондан қопланиши керак. Қудукни ичига термо изоляция насос компрессор қувурини тушуриш керак.

ТПТ усули қулланишида лойиҳавий ишланма ва янги, қўшимча жиҳозларни ўрнатиш талаб қилинмайди. Қазиб оловчи ва ҳайдовчи қудуклар одатдаги, қулланилган технология асосида амалга оширилади. Нефт қазиб олиш, сув ҳайдаш ва полиакриламид эритмани ҳайдаш учун одатдаги техника ва технологиялардан фойдаланилади. ТПТ усулини қўллашда қайноқ полимер эритмасини ҳисобий бўлаги бошланишида ҳайдалади ва кейин қатламга чуқур кириб бориши учун катта ишланмаган сув ҳайдалади. Иситилган полимерли эритмани бўлагини итариш учун агарда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлса, қайноқ сув ҳайдалади. Ҳайдаладиган совук сув нефт уюмида қатламни бошланғич ҳароратига нисбатан паст ҳароратини яратмаслиги керак.

Қайноқ полимерли эритмани эритмани бўлагини ўлчами термогидродинамик ҳисоб билан аниқланади ва маҳсулдор қатламнинг

говаклик мұхитини 20-30 % ни ташкил этади. ТПТ усули амалға ошириш жараёни олинган тадқиқот натижаларыга асoslаниб у ёки бу томонға корректировка қилиеади.

Полимер фирмасининг қовушқоқлик хоссаси шу уюмнинг термобарик ва фильтрация тавсифларыга боғлиқ ҳолда ҳисобланади. Полимер эритмасининг концентрация концентрацияси ҳайдаладиган суюқликнинг ҳарорати ва полимерли реагентнинг бошланғич хоссаларыга боғлиқ. Ўртача бу катталик қуруқ күкүн бүйича 0,06-0,2% чегарасида жойлашади. Полимер концентрациясини аниқ катталигига нефтни қовушқоқлигини сиқувчи агентни ( $Mn/Ma$ ) нисбатларыга боғлиқ ҳисобий усулда аниқлагади, лекин түғридан -түғри лабораторияда ўлчанади.

Бунда шуны эътиборга олиш керакки, нефтни қовушқоқлиги ва сиқувчи агент қовушқоқлиги нисбатлари (бу ҳолатда полиакриламид эритмаси) бир-бирига тенг бўлиши ёки 10 дан кичик. Бунда нисбатдан қовушқоқликни нобарқарорлик ҳолатини ривожлантиrmайди (ўстирмайди).

Қайноқ полимер эритмасини ҳайдаш кўрсаткичи сиқувчи ишчи агентни қатlam тизимида оптимал ишлатиш тезлигига қараб аниқланади ва нефт конининг технологик ишлатиш схемаси ҳисобланади. Маълумки полимер эритмаси ноноготои суюқлиги ҳисобланиб, унда ҳаракатланиш тезлигива “бўлиши мумкин қовушқоқлик” ўртасида боғланиш кузатилади. Бу боғлиқлик гидродинамик ҳисобларда ҳисобга олинади.

ТПТУ ни муваффақиятли амалға оширилиши кўп ҳолатларда таъсир этиш режими ушлаб туришга ва полимер эритмасига тўхтовсиз ҳайдашга риоя қилиш боғлиқдир. ТПТУ жараёни шундай шаклда олиб борилиши керакки, полимер эритмасини қудук тубидаги ҳарорати қатlamни бошланғич ҳароратидан  $20-30^{\circ}\text{C}$ -га юқори бўлиши керак.

Ёриқли-говакли коллекторли юқори ва жуда юқори қовушқоқ нефт уюмларида ТПТУ жараёнини лойиҳалаштиришни асосий технологик тартиби жараёни юқори самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Үзлаштириладиган уюмларда ТПТУ ни лойиҳалаштирида технологик самара катталиги га база (асос) варианти билан қайта ишланган сув билан таққослаб аниқланади.

ТПТУ технологиясини амалга оширишда ҳарорат динамикаси фақат қатламда эмас балки, ҳайдовчи қудукни устунида ҳам аҳамиятга эгадир. Шунинг учун лойиҳалаштиришда асосий масалалардан бири “кудуқ-қатлам” тизимида иссиқлик балансини аниқлаш ва таъминлаш мухимдир.

Бундай ҳисобни ўтказиш қудуқдаги шароитни ва ҳайдаладиган қайноқ полимердаги эритмани технологик параметрларини (кудуқ тоғ жинсини атроф-муҳитга иссиқлик берувчанлигига, ҳайдаш кўрсаткичи ва қудуқ устуни реал ҳарорати) максимал ҳисобга олиш керак. Тадқиқотдан шундай мақсад қуйиладики, ёриқли-ғовак коллекторлари жуда юқори қовушқоқ нефтни кўпроқ олиш учун қайноқ полимер эритмасини ҳайдаш жараёни Россияда ва чет элда ўтказилган.

## **2. Бир ва кўп қатламли конларни ишлатишдаги муаммолар ва ечимлар**

### **2.1. Сурхондарё конларини ишлатиш ҳолатлари**

Кўпчилик нефт қазиб чиқарадиган давлатларда енгил нефт конлари тугаб, таркибида кўп миқдорда парафин ва асфальтенлар бўлган юқори қовушқоқ нефт конларни ишлатишга киришмоқда. Юқори қовушқоқ нефт конлари бутун ер юзи бўйлаб тарқалган, айниқса Россия, АҚШ, Венесуэла ва Хитойда уларнинг сони кўп. Юқори қовушқоқ нефт конларини ишлатишда одатда иссиқлик усулларидан кенг фойдаланилади, масалан қатламга иссиқ сув ёки сув ўрнида буғ ҳайдалади. Бундан асосий мақсад қатламдаги нефтнинг қовушқоқлигини пасайтириш ва уни сиқиб чиқаришдан иборат. Конларда бу усулларни қўллаш катта харажатларни талаб қиласди. Аммо жаҳонда иқтисодий инқироз хукм сураётган бир пайтда маҳаллий имкониятлардан фойдаланиб бу муаммоларни ҳал этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Хаудаг кони ҳам юқори қовушқоқли кўп қатламли нефт конларидан бири ҳисобланади. Бу кон геотермал сув ҳайдаш билан ишлатилаётган конлар жумласига киради. Лекин кейинги йилларда кондан қазиб чиқарилаётган нефт миқдорининг камайиб бораётганлиги мавжуд табиий шароитлардан унумли фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Шу сабабли конда табиий иссиқ сувнинг энергиясидан оқилона фойдаланиш, қазиб чиқаришни жадаллаштириш учун самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш нефт қазиб чиқаришни режадаги миқдорга етказиш имконини беради.

Конда нефт қазиб чиқариш ва қатлам босимини ушлаб туриш бўйича амалда қўлланилаётган технологияларни танқидий таҳлил қилиш, мавжуд хато ва камчиликларни аниqlаш ва уларни бартараф қилиш керак. Ховдак нефт кони Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани худудида жойлашган. Кон Термиз шаҳридан 55 км шимолий-ғарбда ва Жарқўргон шаҳридан 18 км шимолий-ғарбда жойлашган (расм-2.1)



#### Условные обозначения:

**ТЕРМЕЗ** - Центры областей Узбекистана

**ДЕНАУ** - Центры районов Узбекистана

#### Границы:

- Государств

- областей Узбекистана

- районов Узбекистана

#### Месторождения:

-нефтяные

-нефтегазовые

#### Пути сообщения

##### Железные дороги:

Магистральные

Железнодорожные станции, разъезды

##### Автомобильные дороги:

Автомагистрали

Главные автомобильные дороги

Прочие автомобильные дороги

Проселочные дороги

Расм-2.1. Тузилмали харита.

Коннинг Жарқўрғон, Термиз шаҳарлари билан транспорт алоқаси Сурхон вохаси маркази бўйлаб ўтган автомобил ва темир йўллари орқали амалга оширилади. Кондан 18 км жанубий-шарқда Жарқўрғон нефт тўплаш резервуар парки ва нефт қўйиш эстакадаси қурилган бўлиб, шу ердан товар нефт қувур орқали “Жарқўрғоннефтниқайташлаш” ҚҚ га узатилади ва бундан ташқари Термиз-Душанбе темир йўли орқали цистерналарда истеъмолчиларга юклаб жўнатиш имконияти мавжуд. Туман иқлими - континентал, иссиқ узоқ муддатли ёзда ўртача ҳарорат  $+45^{\circ}\text{C}$  дан  $+50^{\circ}\text{C}$  гача июл-август ойларида, қиши ойларида ҳарорат  $+5^{\circ}\text{C}$  дан  $-10^{\circ}\text{C}$  гача. Орографик жиҳатдан мазкур кон меридионал йўналишдаги баланд бўлмаган тепаликлардан ташкил топган. Энг баланд тепалик

нуқтаси +503 м га етади. 1931 йилда Ховдак майдонида геологик тасвирилаш ёрдамида кон кўтарилима тузилиши Н. П. Туаев томонидан аниқланди. 1932 йилда унинг тавсиясига асосан кон гумбаз қисмида қидирув қудуғи бурғилаш мўлжалланди. 1-қидирув қудуғи коннинг жанубий кўтарилимининг жанубий қисмида жойлаштирилди ва 1934 йилнинг феврал ойида бурғилаш вақтида чуқурлик 158 м га борганда палеоген даврининг бухоро қатлами I-горизонтидан нефт фаввораси олинди, кунлик 140 тонна нефт қазиб чиқарилди. Кон 1935 йилда ишга туширилган бўлиб, 4 та маҳсулдор қатlam (I-, II-, III-, IV-горизонтлар) дан иборат. Ҳозирги вақтда кон охирги босқичда ишлатиласпти. Маҳсулдор қатламларнинг чуқурлиги 110-200 м ни ташкил қиласди. Кон механизация усулида, чуқурлик насослари ёрдамида ишлатилади. 2013 йил охирида эксплуатациядаги ва харакатдаги қудуқлар мажмуи 34 та қудуқни ташкил этди. Нефт берувчи эксплуатацион қудуқлар мажмуи ўтган йилга нисбатан 1 та қудуқка кўпайган.

## **2.2. Нефт ва сув қазиб чиқариш ҳолати таҳлили**

2013 йилда кон бўйича  $44129,0 \text{ м}^3$  суюқлик қазиб чиқарилган бўлиб, шундан 9183,0 тоннаси нефт ва  $34946,0 \text{ м}^3$  сувдир. 2012 йилга нисбатан суюқлик қазиб чиқариш  $1479 \text{ м}^3$  купайган бўлиб, шундан сув қазиб чиқариш  $1820 \text{ м}^3$  га кўпайган бўлса, нефт қазиб чиқариш 341 тоннага камайди, яъни ўтган йилга нисбатан ўсиш 96,4 % ни ташкил этди. Умумий йиллик сувланиш даражаси – 79,2 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 1,5 % га ошган. Таҳлил йилида лойиха бўйича ўртача кунлик 14,7 тн. ўрнига амалда ўртача кунлик 26,1 тн нефт қазиб чиқарилди. Конда жорий 2014 йилда қудуқлар ҳолатини 2.1-жадвалда келтирсақ, 2.2-жадвалда Ховдак кони бўйича ишлаш кўрсаткичлари келтирилган.

Бўр қатлами мининг (сеноман) геотермал сувини бухоро қатламига ҳайдашдан олинган нефт ўсиши 2013 йилда 600 тоннани ташкил этди, шу усул бошлангандан буён 62015 тонна қўшимча нефт қазиб чиқарилди. Каттақум 2-сонли қудуғидан олинаётган геотермал иссиқ сувни Ховдак 92 -

сонли қудуғи орқали палеоген даври бухоро махсулдор қатламларига ҳайдалмоқда. Бу қудук осма қувурлари хар 4-5 ойда туз ўтириб қолиши натижасида алмаштирилиб турилади ва шу билан қудукқа сув ҳайдаш тўхтовсиз олиб борилмоқда.

2013 йилда қудуклар иш мажмуи 11978 қудук-кунни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 80 қудук-кун кўп. Хавдак кони бўйича қудуклардан ўртача кунлик суюқлик олиш 3,7 тоннани ташкил этди, шундан 0,8 тн/кун нефт, 2,9 тн/кун сув. 2012 йилга нисбатан ўртача кунлик нефт қазиб чиқариш ўзгармаган бўлиб, сув қазиб чиқариш эса  $0,1 \text{ м}^3/\text{кунга}$  кўпайди.

Ишлаб чиқариш бошидан қазиб чиқарилган суюқлик  $3052750,0 \text{ м}^3$  ни ташкил этди, шундан  $1642957,0$  тоннаси нефт,  $1409793,0 \text{ м}^3$  сувдир. Умумий сувланиш  $46,2\%$  ни ташкил этди. Хавдак конида қатлам босимини ушлаб туриш ва қатламнинг нефт бериш хусусиятини ошириш учун бўр даврининг сеноман қатлами геотермал иссиқ сувини бухоро қатламига ҳайдаш давом эттирилди. Иссиқ сув Каттақум № 2 қудуғидан олинмоқда. 2013 йилда қатламга ҳаммаси бўлиб  $120,450$  минг  $\text{м}^3$  иссиқ сув ҳайдалган. Иссиқ сув 1 та сув ҳайдаш қудукғи (92 - сонли қудук) орқали нефт қатламларига ҳайдалмоқда. Бу усул қўлланиб бошлангандан буён ҳайдалган сув  $4568,580$  минг  $\text{м}^3$  ни ташкил этади. Кон эксплуатация қилиниб бошлангандан буён қазиб олинган сув  $1409,746$  минг  $\text{м}^3$  бўлди. Ҳайдалган иссиқ сув ҳажми қазиб олинган сув ҳажмидан  $3158,834$  минг  $\text{м}^3$  кўп. Бунинг натижасида кондаги сатҳ юқори кўтарилиши керак эди, лекин шу пайтгача қатлам босими  $9 - 9,5$  атм. дан ошгани йўқ. Хавдак конида қазилган илк қудуклар фаввора усулида ишлатилган бўлиб, бошланғич қатлам босими 30 атм. ни ташкил этган. Жорий йилда қатлам босими  $9,5$  атм. ни ташкил этмоқда (бу қудук сатхини ўлчаш орқали аниқланган). Ховдак конида нефт таркибидаги газ миқдори кам бўлганлиги сабабли газ омили ҳисобга олинмади. 2013 йилда Хавдак нефт конида қудукларда геологик-техник тадбирлар бажарилди. Шундан 2 та (№№ 172, 65) қудукларини энг қулай иш меъёрига ўтказиш ишлари амалга

Насос штангалари тизмасининг ҳисоби штанганинг чарчаши мустахкамлигидан келиб чиқади. Штангалар тизмасининг ҳар бир нуқтадаги кесишида келтирилган зўрланишлар ушбу штанга ясалган материал учун чекланган кўрсаткичлардан ошмаслиги керак.


Насос штангалари тизмасининг умумий оғирлигини камайтириш ва шунинг билан бирга, насос қурилмасига тушадиган зўрланишларни пасайтириш мақсадида кўп поғонали штанга тизмалари қўлланилади.

Кўп йиллик амалий тадқиқотлар натижасида штанга тизмаларини танлашда қўл келадиган жадваллар ишлаб чиқилган . Иргалма-қурилмаси турини ва насос диаметрини танлашни соддалаштириш учун А.Н.Адонин томонидан диаграмма ҳисоблаб чиқилган. Ушбу диаграмма ГОСТ – 5866 - 76 га жавоб берадиган иргалма қурилмаларн танлада қўлланилади.


Хаудаг конида сув йўлини беркитиш, қудук тубини ювиш, сув ҳайдашни кўпайтириш тадбирларидан ташқари яъни кондаги барча ҳаракатдаги нефт қазиб оловчи қудуқлар иргалма қурилмалар ёрдамида ишлаётганлиги

туфайли шу ирғарма қурилмаларини иш фаолиятини ошириш орқали, яъни уларни қадам узунлигини узайтириш ва тебранишлар сонини кўпайтириб, кудуққа туширилган насосларни қудук оралиқларидан келаётган суюқлик оқимига қараб НСВ-32 мм дан НСВ-43 мм га ёки НСН-44 мм насосларга ўзгартирилмоқда. Бу усуллар билан ҳам нефт қазиб олувчи қудуқлардан суюқлик қазиб олиш кўпайтирилмоқда насосларни ишлишини текшириш жараёни қуидаги ( 2.5, 2.6, 2.7- расмларда келтирилган)


Шуни айтиб ўтиш лозимки, чуқурлик насосини тuri ва керакли диаметрини танлаш А.Н. Адонин диаграммаси ёрдамида амалга оширилади. Расмда “думалоқ ” белгилар қудук насослари диаметрини билдиради.



2.5 - расм. СКН туридаги станок-качалкалар учун А.Н. Адонин  
диаграммаси



2.6-расм. Ишлаб турган (для станков-качалок базового типа) қудуклар  
учун А.Н. Адонин диаграммаси



2.7- расм. Модификацияланган турдаги станок-качалкалар учун  
А. Н. Адонин диаграммаси

Демак, конларда нефт қазиб олувчи қудуқлар ирғалма қурилмаларни иш фаолиятини ошириш орқали, яъни уларни қадам узунлигини узайтириш ва тебранишлар сонини кўпайтириб, қудуқقا туширилган насосларни қудук оралиқларидан келаётган суюқлик оқимига қараб НСВ-32 мм дан НСВ-43 мм га ёки НСН-44 мм насосларга ўзгартирилиши керак.

Шу ўринда 2.8 -жадвалларда бир поғонали штангалар тизмасидаги чекланган зўрланиш – 70 МПа бўлганда насоснинг тушириш чуқурлиги бўйича маълумотларни келтирамиз.

## 2.8 - жадвал

Бир поғонали штангалар тизмасидаги чекланган зўрланиш – 70 МПа бўлганда насоснинг тушириш чуқурлиги

Штангалар диаметри, мм	Насоснинг диаметри, мм						
	28	32	38	43	55	68	93
16	1150	1020	860	720	-	-	-
19	1300	1170	1000	880	650	-	-
22	-	-	-	-	790	590	380
25	-	-	-	-	-	-	470

Конларда сувланганликнинг ошиши натижасида қазиб олинаётган хом ашё таркиби ўзгариб бормоқда. Насослар ишлаш тури ва режимлари кони ишлатиш давридаги танланган кўрсаткичлар асосларида олиб борилмоқда ва қудуқларга ясама насослар тури танланган. Насослар иш қобилиятини ошириш технологик усулларини ясама насослар тури учун амалга оширамиз.

## 2.9. Чуқурлик штангали насослари цилиндр узунлигини ва узатиш қобилиятини аниқлаш

Насос диаметри, плунжер, цилиндр, ва узайтиргичлар узунликлари қазиб олинаётган суюқликларнинг хоссаларини, кутиладиган қудуқ дебити, ҳамда насоснинг туширилиш чуқурликларини ҳисобга олинган ҳолда танланади.

Насоснинг ишлаш унумдорлигини ошириш плунжер юриши узунлигини ошириш, тебранишлар сонини ва насос диаметрларини ўзгартиришлар ҳамда уларнинг элементларининг ишлаш давридаги ишончлилигини, узоқ вақт ишлаш давомийликларини таъминлаш кабилар орқали эришилади. Насос диаметрини қудуқдан қазиб олинадиган суюқликнинг аниқ қудук учун ўрнатилган технологик режимларини таъминлашдан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Насосларнинг узатиши миқдори ошиши асосан плунжер йўли узунлиги ва кейинчалик тебранма ҳаракат цикли ва охирида насос диаметрини аниқлаш орқали эришилади.

Насоснинг идеаль узатиши ( $V$ ) қўйидаги ифода орқали топилади:

$$V = 72,9 \cdot 10^{-4} \cdot D^2 \cdot H \cdot N, \text{ м}^3/\text{кун} \quad (2.1)$$

бу ерда:  $D$  - плунжер диаметри, дюйм

$H$  - плунжер ҳақиқий юриш масофаси, см

$N$  - плунжер юриш сони, 1/мин

Плунжер ва цилиндр орасидан маҳсулотнинг оқиб ўтиши насоснинг ҳажмий ФИК нинг камайишига олиб келади. Шунинг учун оралиқни танлашда қўйидагиларга этибор берилади.

- плунжер деворлари бўйлаб нефтнинг оқиб чиқиб кетиши;
- сирпанувчи плунжер учун ёғловчи материалнинг миқдори ;
- плунжер ва цилиндр халқали оралиқларига кириб қолувчи қумлар донадорлигини минимал қиймати;
- плунжернинг цилиндрда эркин ҳаракати.

Оралиқнинг қиймати рухсат этилган қийматдан ошганда, таъмирланган ўлчамлардан фойдаланилади. Масалан шу ерда Фарбий Ўзбекистонда жойлашган Фарбий Тошли конида нефт қазиб олиш самарадорлигини ошириш мақсадида, эскирган насослар янги турдаги насосларга алмаштирилмоқда. 2003-2008 йиллари 37 та ишлаб турган қудуқлардаги насослардан 20 таси Америка нефт институти томонидан

лойиҳа қилинган ва «Ижнефтемаш» очик акционерлик бирлашмаси заводларида тайёрланган RH, TH туркумидаги насослар билан алмаштирилган. Бу турдаги насосларнинг иш самарадорлиги коннинг нефт бериш самарасига боғлиқ равишда насос плунжерининг максимал юришига кўра цилиндр узунлигини ҳисоблаш ёки унга тескари бўлган масалани ечишни ҳал қилиш заруратини туғдиради. Қувурли насосларда пастки ўлик нуқта тутувчи втулка пастки қисмининг цапфа юқори қисми билан бир ҳил сатҳга тенглашганда эришилади. Юқори ўлик нуқтага эса штокка резбасининг юқори чеккаси юқори узайтиргич юқори чеккаси билан бир хил сатҳда бўлганда эришилади. Цилиндр ва узайтиргичларнинг узунликлари танланган плунжер узунлигига зарурий ҳақиқий фойдали плунжер йўлини таъминлаш шартидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Цилиндр узунлиги қўйидаги формула орқали ҳисоблаб топилади:

$$B = H + P - Y + K, \text{ мм} \quad (2.2)$$

бу ерда:  $B$  – цилиндр узунлиги, мм

$H$  – плунжернинг максимал юриши, мм

$P$  – плунжер узунлиги, мм

$Y$  – узайтиргичнинг умумий узунлиги, мм

$K$  – насос тури коэффициенти, мм

Барча турдаги насослар учун механик бирикувчи, махсус ёки манжетали бирикувчи насослар учун  $K$  нинг қиймати бир хил бўлиб,  $K=1,2-2,5$  оралиғида танланади.

Агар диаметри 32 мм бўлган қалин деворли цилиндрли ва юқоридан механик равишда қотириладиган 60,3 мм ли НҚҚ учун ясама насоси зарур бўлса, плунжер узунлиги  $P=1220$  мм ли насос учун:

- плунжер узунлиги  $P=1220$  мм
- насос тури 20-125 RHAM X-4-X-X

Цилиндрнинг узайтиргич билан биргалиқдаги узунлиги

$$B + Y = H + P + K = 11,483' + 4' + 1,214' = 16,697'$$

Узунлиги 14 фут бўлган цилиндр танлаймиз, у ҳолда узайтиргичнинг умумий узунлиги 3 фут, яъни 2 та 1,5 футли узайтиргич танлаб, насос кўрсаткичларини ўрнатилади:

$$20 - 125 \text{ RHAM } 14 - 4 - 1,5 - 1,5.$$

Плунжернинг максимал юриши:

$$S = H + (P' - Y') \cdot 304,8 = 3500 + (17' - 16,697') \cdot 304,8 = 3592 \text{ мм.}$$

Насос ишлаш давомида юқорида ҳисоблаб топилган қийматлар бўйича ўлчамларнинг бажарилиши зарурый технологик режимни таъминлайди. Узайтиргичлар узунлиги танлашда плунжер ишлаш даврида цилиндрдан чиқиши ва энг камида цилиндр охири билан мос тушиши ҳисобга олинади. Цилиндр ва узайтиргичлар узунлигини танлашда насосдаги масофалар ва штанг ва НҚҚлари эластик деформациялари натижасида плунжер йўли йўқотишлари аниқланилади. Ясама турдаги насосларда ҳайдовчи клапан эгари ва сурувчи клапан пастки ўлик нуқтаси оралиқларидағи тирқиши 25-50 мм танланади. Шток ўтувчи ва штокни йўналтирувчилар оралиқларидағи тирқиши 50-100 мм оралиқда таъминланади. Йўл юқори қисмдан қулфли деталлар билан чегараланган. Плунжер йўли йўқотишлари эластик деформация ҳисобига қудук шароитларидан келиб чиқсан ҳолда 200-500 мм ни ташкил этади. Юқорида айтиб ўтилганидек, бир ва кўп қатламли қовушқоқли нефтли конларда қудуқлар насослар ёрдамида ишлатилади. Хаудак ва Жайронхона конларида ҳам айнан шундай муаммолар бор. Масалан, муаммолар насосларда парафин ётқизиқларини йиғилиб қолиши, унинг иш унумини камайишига олиб келади. Конларда ишлаб турган ва янги ўрнатиладиган насослар турини танлашда станок-качалкалар учун А.Н.Адонин диаграммасидан фойдаланилади. А.Н.Адонин диаграммаси таҳлил натижасига кўра, НСВ-32 мм дан НСВ-43 мм га ёки НСН-44 мм насосларга ўзгартирилиши керак эканлиги аниқланди.

## 2.10. Плунжер юриш узунлигини статик ва динамиқ назариялар ёрдамида аниқлаш ва уларни таққослаш

Маълумотлар.

1. Насос плунжерининг диаметри  $D_{пл}=43$  мм
2. Насос штангасининг диаметри  $d_{шт}=22$  мм
3. Насос қувурларининг диаметри  $d_t=62$  мм
4. Насос тушириш чуқурлиги  $L=1500$ м
5. Салникли штокнинг юриш узунлиги  $C=2,1$  м
6. 1 минутдаги тебранишлар сони  $n_1=9$  ва 15
7. Суюқлик зичлиги  $\rho=90$  кг/м<sup>3</sup>.

Масалани ечишда :

1. Статистик назария буйича плунжер юриш узунлиги ифодаси

$$S_{пл} = S \left( 1 + \frac{225 L^2 n^2}{10^{12}} \right) - \lambda_{y\partial} = S \left( 1 + \frac{225 L^2 n^2}{10^{12}} \right) - \frac{F \rho g L^2 (f_{ш} + f_m)}{E f_{ш} f_m} \quad (2.3)$$

бу ерда  $\lambda_{y\partial}$  - насос штанга ва қувурлари узунлашиши натижасида юришни йўқотиш.  $S_{пл}$ -плунжернинг кўндаланг кесим юзаси  $f_{ш}$ -штанганинг кўндаланг кесим юзаси.  $f_t$ -кувур девори кўндаланг кесимининг юзаси.

Е-пўлатнинг таранглик модули.

Масала шартига кўра бу кўрсатмалар:

$S_{пл}=14,6$  см<sup>2</sup>;  $f_{ш}=3,8$  см<sup>2</sup>;  $f_t=11,7$  см<sup>2</sup>;  $E=0,21$  ифодага бу маълумотларни киритиб  $n=9$  бўлган натижани оламиз:

$$S_{пл} = 2,1 \cdot \left( 1 + \frac{225 \cdot 1500^2 \cdot 9^2}{10^{12}} \right) - \frac{14,6 \cdot 900 \cdot 9,81 \cdot 1500^2}{0,21 \cdot 10^{12} \cdot 3,8 \cdot 11,7} = 1,69 \text{ м}$$

$n=15$  бўлган:

$$S_{пл} = 2,1 \cdot \left( 1 + \frac{225 \cdot 1500^2 \cdot 15^2}{10^{12}} \right) - 0,49 = 1,85 \text{ м}$$

Динамик назария буйича плунжернинг юриш узунлиги  $n=9$  га тенг бўлганда.

a) Чарний ифодасига асосан:

$$S = \frac{\rho}{\cos \varphi} \sqrt{1 + \left(\frac{2\lambda_1}{S}\right)^2 - \frac{4\lambda_1}{S} \cos \varphi} \quad (2.4)$$

бу ерда  $\varphi$  плунжер ва салникли шток ҳаракати вақтидаги фазалар сурилиш бурчаги  $\varphi = \pi L / a$ , бу ерда  $\pi$  - бурчак тезлик  $\pi = 3,14 \cdot 9/30 = 0,94$  рад/с  $\alpha$  - штанга материалидаги товуш тезлиги,  $\alpha = 5100$  м/с,  $\varphi = 0,94 \cdot 1500 / 5100 = 0,276$  рад ёки  $180 \cdot 0,276 / 3,14 = 15,8$   $\cos \varphi = \cos 15^0 8' = 0.962$

$$\lambda_1 = \frac{2}{3} \lambda_{yo} = \frac{2}{3} 0,49 = 0,33$$

Олинган натижаларни асосий ифодага киритамиз:

$$S_{n,l} = \frac{2,1}{0,962} \sqrt{1 + \left(\frac{2 \cdot 0,33}{2,1}\right)^2 - \frac{4 \cdot 0,33}{2,1} \cdot 0,962} = 1,54 \text{ м}$$

б) Лейбензон ифодаси буйича  $S_{n,l} = \frac{S}{\cos \varphi} - \lambda_{yo} = \frac{2,1}{0,962} - 0,49 = 1,69 \text{ м}$

$n=15$  бўлганда

a) Чарний ифодасига кўра  $\pi = 3,14 \cdot 15 / 30 = 1,57 \text{ c}^{-1}$

$$\varphi = 1,57 \cdot 1500 / 5100 = 0,46 \quad 1 \text{ ёки } 26^0 24'$$

$$\cos \varphi = 26^0 24' = 0.896$$

$$S_{n,l} = \frac{2,1}{0,896} \sqrt{1 + \left(\frac{2 \cdot 0,33}{2,1}\right)^2 - \frac{4 \cdot 0,33}{2,1} \cdot 0,896} = 1,71 \text{ м}$$

Б) Лейбензон ифодасида:  $S_{n,l} = \frac{2,1}{0,896} - 0,49 = 1,86 \text{ м}$

Плунжер юриш узунлигини статик ва динамик назариялар ёрдамида аниқлаш ва уларни таққосланди ва олинган натижаларни 2.9-жадвалда келтирилади.

## 2.9- жадвал

Хисоб назарияси номи	$n=9$ да	$n=15$ да
Статистик	1.96	1.85
Чарний ифодаси буйича	1.54	1.71

### **3. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш**

#### **3.1. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш**

Хозирги даврда ва техника - технологияларнинг глобаллашуви даврида мамлакатимиз электроэнергетик базамизни кучайтириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Республикаизда газ қазиб кўрсаткичларини ўсиб бораётганлиги ҳамда нефт маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиб кетаётганлиги сабабли ер ости бойликларимиздан комплекс равишда оқилона тежамкорлик билан фойдаланиш ва ер шарини асраш ва ҳимоя қилиш олдимиизда турган муаммоларидан биридир. Давлатимизда Олий мажлис томонидан минерал хом ашёлардан фойдаланишни яхшилаш, ер ости ва ер усти бойликларини геологик қидирув ишларини жадаллаштириш бўйича кенг миқёсдаги программаларни амалга ошириш масаласи қўйилган. Бу программада ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича бир қатор қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилишнинг бош йўналишларидан бири тежамкорлик билан фойдаланиш, тоғ кон қидирув ишларини, бурғилаш ва конларни ишга туширишни илмий асосланган режалар асосида амалга ошириш керак бўлади. Ер ости бойликларини ва атроф муҳитнинг муҳофазаси муаммолари ерларни, ер усти ва ер ости атмосферани ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб, саноатнинг нефт газ тармоқларида бундай муаммоларнинг бош масаласи - сифатида қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:

а) бойликларни жойлашувини комплекс геологик ўрганиш, нефт ва газ, ва шунга йўлдош бўлган фойдали қазилмаларнинг заҳираларининг сифатли ва миқдори тўғрисида асосланган маълумотларни олиш;

- б) конларни қидириш ва ишлатиш жараёнларида отилмалар, очик фавворалар, қатlam ичра ва қудук ичра оқимларни оқиб кетиши жараёнларида нефт ва газ захираларини йўқотилишига йўл қўймаслик;
- в) қазиб олинган нефтни, йўлдош газни ва табиий газларни конденсатни ишлатиш жараёнида, тайёрлашда ва нефт – газни сақлашда йўқолишига йўл қўймаслик керак;
- г) кам харажат сарфлаб нефт, газ ва конденсат ҳамда бошқа йўлдош фойдали қазилмаларни заҳираларини қазиб олишни максимал кўрсатгичига эришиш;
- д) бурғилаш, ишлатиш, қудукларни тадқиқотлаш, нефт ва газни ер ости сақлагиҷларини қуриш ва ишлатиш даврида ифлосланишига, заҳарланишига, деформация бўлишига йўл қўймаслик керак.

### **3.2. Ер ости бойликларини муҳофаза қилишни ташкил қилиш**

Республикамида қонунчиликка асосан ер ости бойликларидан фойдаланиш учун, геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган жараёнлардир. Бойликлардан фойдаланиш муддатсиз ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Бойликлардан муддатсиз фойдаланиш деганда олдиндан ишлатиш муддатлари ўрнатилмайди. Агарда вақтинчалик фойдаланилганда 10 йил муддат белгиланади. Керак бўлганда вақтинчалик фойдаланиш муддати ўзайтирилиши мумкин.

Ҳаракатдаги қонунлар асосида бойликлардан фойдаланишда фойдаланувчилар қўидаги талабларни бажаришга мажбурдир:

- 1.Геологик ўрганишнинг тўлиқлиги, ер ости бойликларидан тежамкорлик ва комплекс фойдаланиш;
2. Бойликлардан фойдаланилганда ишларни олиб боришда ишловчи ходимлар ва техника хавфсизлиги таъминланиши керак;
- 3.Атмосфера ҳавосини, ерларни, ўрмонларни, сув ва объектларни ўраб

турган табиий мұхитлар ҳамда бинолар ва иншоотлар ишларни заарли таъсир этиши билан боғлиқдір;

4.Бойликлардан фойдаланганда хайвонат оламини, табиий ва маданий ёдгорликларни шикастланишига йўл қўймаслик керак.

Нефт ва газ конларини ишлатиш фақат ишлатишнинг техник коидалари бўйича ишланган схемалар ва лойиҳаларга мос келиши керак. Бунинг учун асосий ва йўлдош фойдали қазилмаларни қазиб олишда тежамкор ва самарали усуллардан фойдаланиш қўрсатилган меъёридан ортиқча йўқотилишга йўл қўймаслик, фойдали қазилмаларни заҳираларини асосланмаган йўқотилишларга олиб келганда коннинг бой участкаларини танлаб ишлатишга тўғри келади.

Бундан ташқари конларни ишлатиш жараёнида заҳираларнинг ҳаракати ва йўқолиши ҳолати ҳисобга олиниши ҳамда ер ости бойликларини ва атроф мұхитни муҳофазаси чоралари олдиндан кўрилиши керак.

Нефт ва газ саноати томонидан бойликларни муҳофаза қилиш ишлари давлат томонидан назорат қилинади:

- 1) нефт ва газ конларини тўғри ишлатишда бойликларни ҳимоя қилиш талабларни бажариш;
- 2) заҳираларни ҳисоблаш тартибига риоя қилиш;
- 3) бойликлардан фойдаланилганда ишларни амалга оширишда хавфсизлик қоидаларига ва нормаларига риоя қилиш керак;
- 4) конларни ишлатишда геологик ишларни амалга ошириш қоидаларига риоя қилиниши керак.

Ер ости омборларида нефт, газ ва бошқа моддалар ва материаллар билан ер ости ва усти объектларини ифлосланишининг олдини олиш чораларига тўлиқ риоя қилиниши керак. Корхоналардан чиқадиган ишлаб чиқариш сувларини таъсирида ер ости сувларни ифлосланишига йўл қўйилмаслиги керак. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари нефт ва газ қудукларини қазиши, конларни ишлатиш ва фойдаланишда асосий технологик

жараёнларнинг энг муҳим элементлари ва таркибий қисми хисобланади. Бу тадбирлар асосан ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга ҳамда нефт, газ ва конденсатни тўлиқ қазиб олиш ва зарарсизлантиришга йўналтирилгандир. Ер ости газ омборларининг қурилишида тизмаларни бирикиш герметиклигига ва уларни мустахкамлигига асосий эътибор қаратилади. Бунинг учун ГКМ туридаги 219x146 ва 245x146 мм ўлчамдаги тизма каллаклари шарли тескари клапанлар ва қудукларни мустахкамлашда қўпроқ қўлланилади. Бундан ташқари ер ости омборларини маҳсус конструкцияларини яратиш, идишларни ер усти ва юқори оралиқда сувли горизонтлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш талаб қилинади.

Қудукларни қуриш ва ишлатишда флюиддарни оқиб кетиши ва бошка қатламларга ўтишини олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказилиб, қудукларни қирқими билан кесишиши натижасида ишланмаган углеводород ўюмларидан ва фойдали қазилмаларни йўқотилишини олди олинади. Тоғ жинсларининг паст зичлиги ва мустахкамлиги, эгриликни максимал олиш, одатда қия йўналтирилган қудукларнинг юқори қисмининг қирқимлари билан кесишуvida, ишлатиш тизмасининг юқори секциясидаги максимал оғирликлари, жадал кучланишлари, қувурлар оралиғида газнинг мавжудлиги буларнинг, ҳаммаси қудук стволини мустахкамлаш шароитларини ва мустахкамлаш тизмасини герметиклигини сақлашни ёмонлаштиради. Нефтгаз ва нефтгазконденсат конларини ишлатишда ер ости ва атроф муҳит муҳофазасини мураккаб шароитларда назорат қилиш синчиклаб ва мақсадли йўналтирилган холда режалаштирилган бўлиши керак, чунки уларни амалга ошириш тизимли характерга эгадир. Шунинг учун муҳофаза обьекти бўлиб фақат қирқимнинг маҳсулдор қисми хисобланмасдан балки, қудук стволининг ер усти зонасининг муҳофазасини таъминлашга ҳам эътибор бериш керак бўлади.

Ер усти технологик жихозлар асосий фойдали қазилмаларни (нефтгаз) йигишиң ва ташишга тайёрлаб колмасдан, йулдош қазиб олинадиган маҳсулотларни ҳамда (конденсат, олтингугурт, инерт газларни микро элементларни ва бошкalarни) йигишиң ва саклаш талабларига жавоб бериси керак.

Нефт ва газ конларини ишлатишда углеводородларни тозалаш ва йүқотилишини камайтириш учун нефт, газ ва нефт маҳсулотларини йигиши, тайёрлаш ва ташишда, паст босимли нефт ва газни ажратишда ёпиқ, герметикланган қурилмаларидан фойдаланилади.

Нефт ва газни йигиши, тайёрлаш, ташиш ва саклаш тизимининг ишончли ва авариясиз ишларини таъминлаш учун фойдали қазилмаларини йўқолишига ва атмосферага чиқиб кетишига йул қўймаслик учун уларни муҳофаза қилиш ва табиий хом ашёлардан тежамкорлик билан фойдаланиш талаб қилинади.

Нефт ва газ конларини ишлатишда энг бош сабаблардан бири ер усти нефт ва газ кон жихозларини, ер ости коммуникация ва қувур узатмаларини ўз муддатидан олдинроқ ишга яроқсиз бўлиб қолишида ташқи ва ички коррозия муҳим роль ўйнайди. Жихозларни коррозион химояси, режали хизмат қилиш муддатини таъминлаш айниқса, юкори агрессив коррозияли фаол муҳитлар билан контактлашув шароитида усулларни муҳофаза қилиш фавқулоддаги муҳим - ва мураккаб масала ҳисобланади. Бундай масалаларни амалга оширишда кўп тармоқли комплекс технология амалга оширишда кўп тармоқли технологик чоралар ва маҳсус режали амалга оширилади.

## **4. Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги**

### **4.1. Мехнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари**

Мехнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси, Ўзбекистан Республикаси Мехнат қонунлари кодекси асосида олиб борилади. Ўзбекистан Республикаси меҳнат қилиш қонунлари меҳнаткашларга яратиб берадиган шароитлар ва хуқуқлар хамда уларни назорат қилиш жихатидан дунёда энг илғор ҳисобланади.

- Ишлаб чиҳариш корхоналаридаги жароҳатланишларни ва касб касаллакларни тўлиқ олдини олиш ва давлат микёсидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу қайд қилиш керакки, ҳозирги фан техника ютуқларига мосланиб, бу муаммоларни тўлиқ ечишга имкониятлар етарли. Ишлаб чикқаришлардаги жароҳатланишларнинг ва касб касалликларнинг олдини олиш йўллари хар бўлиб, бу йўлларга асосан куйидагилар киради:

- хуқуқий ташкилий техник, тиббий-профилактик ва иктиносидий.

-Хуқуқий тадбирларга қуйидагилар киради, ишчи ва корхона маъмуритининг бурчлари хамда масъулияти, иш режими ва дам олиш, хотин қизларнинг, ўсмир ёшларнинг иш ва дам олиш имтиёзлари, иш жойларининг микроқлим меъёрлари келтирилган моддий, маънавий заарларни тўлаш хуқуқи, жароҳатланганларга ва касб касалликларига учраганда моддий, маънавий заарларни тўлаш ва бошқалар киради.

-Ташкилий тадбирларга асосан меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, ишчиларни ўз вақтида ўқитишларни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва иш жойлари учун керакли йўриқномалар ишлаб чиқиш ва йўрқномалар билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш хоналарини ташкил қилиш, иш жойларида хавфсиз иш шароитини таъминланганлигини уч босқичли назорат қилиш, меҳнатни муҳофаза

қилишнинг илғор усулларини иш жойларга тўлиқ тадбик қилиш, баҳтсиз ходисалар ва қасб қасалликларни ўз вақтида сифатли текшириш ҳамда таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришдаги ҳавфли омилларнинг тўғри ва доимий равишда назорат қилишни таъминлаш, ишчиларнинг доимий равишда атестациядан ўтказиш ҳамда иш жойларининг паспортизация қилиш тадбирларини режалаштириш, уларни маблағ билан таъминлаш ва бошқа тадбирлар киради.

-Техник тадбирларга эса ишлаб чиқариш тўлиқ механизациялаш, ҳавфли омиллари бор ҳамда монотонли ишларни автоматлаштириш; Ҳавфсиз янги техника ва технологияларни қўллаш; ҳавфли техника ва жараёнларга автоматик сақлагичлар, сигнал берувчи мосламалар, блокировка мосламаларни қўллаш; Иш жойда микроқлимни меъёрда бўлишни таъминловчи техник воситаларни қўллаш, иш жойларда зарарли ва заҳарли газларнинг меъёридан ошиб кетмаслиги автоматик назорат қилувчи мосламаларни қўллаш, шовқин титрашлардан сақловчи мосламалардан фойдаланиш: ўта ҳавфли ишларни масофадан туриб бошқаришини қўллаш. Шахсан ва жамоа химоя воситаларнинг янги турларини ишлаб чиқиши ва бошқалар киради.

-Тиббий - профилактик тадбирларга қуйидаги: ишчиларни ишга олишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, ишлаш давомида даврий равишда тиббий кўрикдан ўтқазиб бориш; ҳавфли ва зарарли ишда ишлаганларни узлуксиз равишда сут ва бошқа озиқ овқат билан таъминлаш; иш жойларда ишлаб чиқариш гимнастикаси билан доимий шуғулланишни ташкил қилиш; ҳавфли ишда ишлаётганларни биринчи тиббий ёрдам қўрсатишларни амалда бажаришларни ўргатиш ва бошқалар киради.

-Иқтисодий тадбирларга эса жароҳатланиш ва баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун ҳавфсиз иш шароитини таъминлайдиган ташкилий, техник, тиббий-профилактик тадбирларни сифатли ўтказиш учун

керак бўладиган харажатлар ўз вақтида молиявий маблағ билан таъминлаш; хавфсиз иш шароитини ташкил килган, хамда ўзок йиллар давомида техника хавфсизлик қоидаларини бузмасдан ишлаган мутахассисларни моддий рағбатлантириб бориш; мамлакатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағлардан унумли ва тўғри фойдаланиш.

#### **4.2. Иш жойларни ташкил қилиш ва операторларнинг физиологик ишга яроқлик қобилиятини ҳисобга олиш**

Иш жойи ва оператор – бу «одам-машина-муҳит» системаси бўлиб, иш жойда машина ва жараённинг бажариши тўғрисидаги маълумотларни операторга етқазиб берувчи ускуналар, машина ва жараённи бошқариб боришини таъминловчи бошқариш органлари хамда хавфсизликни таъминловчи хамда хавф тўғрисида огоҳлантирувчи мосламалардан иборат бўлади. Иш жойларда бир кишилик ёки кўп киши ишлайдиган бўлиши мумкин. Иш жойларни ташкил қилишга асосан қуйидаги талаблар қўйилган: Оператор туриб ёки ўтириб ишлайдиган жой оператор учун физиологик жиҳатдан қулай бўлиши; Ахборот берувчи ва бошқариш органлари операторнинг физиологик тузилишидан келиб чиқсан ҳолда қулай жойлашиши. Иш жойида операторнинг эркин ҳаракатланиши учун қулайлиги. Иш жойи операторнинг физиологик антропологик, психологик характерга мос келиши; иш жойдаги маълумотларнинг хажми ва оператор учун келиш тезлиги операторнинг физиологик маълумотларнинг қабул қилиш ва қайта ишлаб уларни ечиш қобилиятига мос келиши; операторнинг иш жойида қиска муддатли дам олишга шароит бўлиши; иш жойи ва хавфли ва заарли омиллар химояловчи мослама ва қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Худудга кирадиган маълумотлар ( $30^0$ ) маълумотлар бўлиб, унга аниқ эмас ва учинчи худит ( $60^0$ ) кам фойдаланиладиган маълумотлар операторга кўз орқали доимий равишда етқазиб турилиши керак. Бошқариш органлардаги бошқариш мосламалари хам 3 хил худудда жойлашади: барча худудга энг кўп ишлатиладиган бошқариш органлари (руль, тормоз,

муфта ва бошқалар) бу органлар камида 1 минут давомида икки мартагача фойдаланиши мумкин бўлган органлар киради. Иккинчи худуддаги бошқарув органлари камида бир соатда икки ва ундан кўп марта ишлатилиши мумкин булган бошқарув органлари жойлашади; учинчи худудга эса бир соатда икки мартадан ортиқ ишлатилмаган бошқариш органлари жойлашади.

Ўтириб ишлайдиган иш жойларда асосий эътибор креслони жойлашига қаратилган. Операторнинг креслоси асосан ўриндиқ, орқа суюнчиги ва ён достиклардан иборат булиб, қўшимча бош учун ёстиқ ва оёқ учун тагликлар бўлиши кўзда тутилган. Иш креслоси конструктив тузилиши жиҳатдан операторнинг физиологик хусусиятидан келиб чиқсан холда қулай холатларга ростланадиган бўлиши керак. Оператор креслоси полга маҳкамланиши билан бирга  $180^0$ - $360^0$  бурилиши керак бўлганда хавфсизлик ремени билан жиҳозланиши керак.

### Операторнинг ишга яроқлилик қобилияти

Операторнинг ишга яровлилик қобилияти деб, унинг шу ишни талаб даражасида бажаришга физиологик ва аклий қобилияти ва малакаси тушунилади. Бу қобилиятга операторнинг асад системаси, соғлиги, иш оғирлигига чидамлилиги, иш режими ва дам олиш режимига мос келиши, атроф муҳитнинг операторга таъсири ҳолати ва операторнинг шахсий функциялари киради. Статистик маълумотларга кўра хар қандай ишни ва операторларнинг сменани бошлаш даврида иш қобилиятининг қисман пасайиши кейинчалик 0,2-0,5 соатдан кейин тикланган ҳолат 3 соатлар давомида бир хил даражада туриб, туртинчи ва кейинги соатларда чарчаш эвазига пасайиши аниқланган. Операторнинг бир суткадаги иш қобилиятининг энг паст даражаси соат 22 00 эканлиги аниқланган. Агарда ишчи ёки операторнинг бир хафталик иш қобилияти таххил қилинганда энг пас иш қобилияти душанба ва жума кунларига

тұғри келар экан. Операторнинг тез чарчаш мойиллиги 25 ёшгача ва 45 ёшдан кейин содир булар экан. Оператор чарчаганда иш қобилятини пасайиши билан бирга бошқаришда хатоларга йўл қўйиш мойиллиги ошиб борар экан. Операторларнин г чарчашини олдини олиш тартибларига асосан иш режимини тұғри ташкил қилиш, яъни 0,5-2 соат тұхтовсиз ишлагандан кейин қиска муддатда дам олиш ва иш куннинг ўртасида бир соатлик овқатланиш учун дам бериш. Иш турига қараб қиска муддатли дам олиш давомийлиги қуйидагича: асаб системасига таъсир қилувчи қаттиқ эътиборни талаб қилувчи ишлар учун тез-тез 5-10 минут дам олиш; оғир физик ишлар учун эса 10-15 минут дам олиш кўзда тутилган.

## **Хулоса**

Ховдак нефт кони Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани худудида жойлашган. Кон 1935 йилда ишга туширилган бўлиб, 4 та маҳсулдор қатlam ( I-, II-, III-, IV-горизонтлар) дан иборат. Ҳозирги вақтда кон охирги босқичда ишлатилаяпти. Маҳсулдор қатlamларнинг чуқурлиги 110-200 м ни ташкил қиласиди. Кон механизация усулида, чуқурлик насоси ёрдамида ишлатилади.

2013 йил охирида эксплуатациядаги ва харакатдаги қудуқлар мажмуи 34 та, 12 сув ҳайдовчи қудуқ ва 1 та сув оловчи қудуқни ташкил этди. Нефт берувчи эксплуатацион қудуқлар мажмуи ўтган йилга нисбатан 1 та қудуқка кўпайди. Конда 2013 йилда қудуқларни тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилмади. 1 та қудуқни сувланганлиги сабабли назоратдаги фондига ўtkазилди.

Конлардаги қудуқ осма қувурлари ҳар 4-5 ойда туз ўтириб қолиши натижасида алмаштирилиб турилади ва шу билан қудуқка сув ҳайдаш тўхтовсиз олиб борилади. Хавдак кони бўйича қудуқлардан ўртacha кунлик суюқлик олиш 3,7 тоннани ташкил этди, шундан 0,8 тн/кун нефт, 2,9 тн/кун сув, 2012 йилга нисбатан ўртacha кунлик нефт қазиб чиқариш ўзгармаган бўлиб, сув қазиб чиқариш эса 0,1 м<sup>3</sup>/кунга кўпайди.

Умумий сувланиш 46,2 % ни ташкил этди. 1980 йилда Хаудаг конидаги 1 қатlamга №130 қудуқ орқали геотермал сув ҳайдаш бошланди. Геотермал сув бостириш амалга оширилгунча 1 қатlam 45 йил мобайнида табиий сув тазиёки режимда ишлашда бўлган.

Хавдак конида қатlam босимини ушлаб туриш ва қатlamning нефт бериш хусусиятини ошириш учун бўр даврининг сеноман қатлами геотермал иссиқ сувини бухоро қатlamига сув ҳайдаш давом этмоқда ва иссиқ сув Каттақум № 2 қудуғидан олинмоқда. 2013 йилда қатlamга ҳаммаси бўлиб 120,450 минг м<sup>3</sup> иссиқ сув ҳайдалган, сув 1 та сув ҳайдаш қудуғи (92 -сонли қудуқ) орқали нефт қатlamларига ҳайдалмоқда.

2013 йилда Хавдак нефт конида қудуқларда геологик-техник тадбирлар бажарилди. Шундан 2 та (№№ 172, 65) қудуқларини энг қулай иш меъёрига ўтказиш ишлари амалга оширилди. 1 та 161-қудук 100 % сувланганлиги сабабли эксплуатацион қудуқлар мажмуадан назоратдаги фондга ўтказилди.

Сухондарё ва бошқа самарали худудларда узоқ муддат ишлатилаётган бошқа конларда қудуқлар маҳсулотининг сувланганлик даражасини юқорилиги туфайли нефт бера олувчанликни оширишнинг физик-кимёвий усулларини қўллаш зарур.

Бир ва кўп қатlamли конларни ишлатишдаги муаммолар ва ечимлари мавзусини бажаришда, конларни ишлатишдаги муаммолар ва уларни ечишда қўйидаги тадбирлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

1.Ховдак ва Жайронхона конларида геотермал иссиқ сувларни ҳайдаш;

- Қатlamга, қудуқларга ва нефт қувурларига парафин ётқизиқларидан тозалаш учун конденсат билан ишлов бериш;

- Назоратдаги, консервациядаги ва тугатилган мажмуадаги қудуқларни ишга тушириш;

- Юқори маҳсулдор қатlamга ўтиш;

- Қудуқларнинг энг қўлай иш меъёрини ўрнатиш ва қудуқларни тўла таъмирлаш ва қудуқларнинг ер ости жиҳозларини таъмирлаш тадбирларини бажариш.

- Механизациялашган усулда ишлаётган қудуқларда динамограф ёрдамида куч чизма тасвирини тушуриш;

- Ховдак конида бур қатламидан чиқаётган иссиқ геотермал сувни 92 - сонли тугатилган қудуқни тубдан таъмирлаб иссиқ сув ҳайдаш учун фойдаланиш;

- Ховдак конидаги бўр қатламидан олинаётган геотермал иссиқ сувни маҳсулдор бухоро қатламига қайтариб ҳайдашни давом эттириш;

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Агзамов А.Х. Особенности применения термических методов увеличения степени нефтеизвлечения из месторождений неньютоновский нефти // ДАН РУз. -1993
2. Байбаков Н.К., Гарушев А.Р. Тепловые методы разработки нефтяных месторождений. -М.: Недра, 1981
- 3 .Сургучев М.Л., Жданов С.А., Кащавцев В.Е. Состояние изученности методов повышения нефтеотдачи пластов. // Нефтяное хозяйство. -1990 г
4. Оруджев В.А., Рахимов Н.Р. Результаты исследования вязкопластичных свойств аномальных нефтей Узбекистана. // Нефтяное хозяйство. 2000
5. Проблемы вязкой нефти// Новые технологии. -1999
6. Сравнительный анализ результатов внедрения новейших методов повышения нефтеотдачи (МПН) в мире. // Нефтепромысловое дело, экспресс-информация зарубежный опыт. Вып. №5-6. 2012
7. Закиров С.Н., Закиров И.С. Новый подход к разработке нефтегазовых залежей. -М.: РАО Газпром, 2006
8. Персиянцев М.Н. Добыча нефти в осложнённых условиях. Недра, Москва, 2000 г.
9. Ермеков М.М. Справочная книга добыча нефти. – Алматы: «TST Company», 2007
10. Фазовые превращения при разработке месторождений нефти и газа. А.И. Брусиловский. – М.: «Грааль», 2002
11. « ЎзЛИТИнефтегаз» МЧЖ фонд материаллари
12. oilpages.ru
13. www.tnk-bp.ru